



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 9 » avgust

№ 507

Toshkent sh.

“Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформасини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-куватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 5 мартағи ПҚ-5020-сон, “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5116-сон қарорлари ижросини таъминлаш, шунингдек хотин-қизларнинг таълим олишларига кўмаклашиш, уларни турмушга тайёрлаш, фарзанд тарбиясига оид кўникмаларни шакллантириш, турли тазийк, зўравонликдан ҳимоя қилиш, касб-хунарга ўргатиши, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оила мустаҳкамлигини ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг муаммоларини ҳал қилишда мурожаат қилишлари учун қулайликлар яратилишини электрон тизимлаштириш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги тизимида хотин-қизлар хукуқий маданиятини, ижтимоий фаоллигини оширишга, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга йўналтирилган, хотин-қизларга боғлиқ статистик маълумотлар жамланадиган “Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформаси (кейинги ўринларда – Миллий платформа) ишга туширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Миллий платформанинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилган холда, тезкор таҳлилий маълумотлардан самарали фойдаланиш ва бу орқали давлат органларининг хотин-қизларни қўллаб-куватлашга оид фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

вазирлик ва идоралардан хотин-қизлар билан боғлиқ маълумотлар тезкор йиғилиши ва реал вақт режимида таҳлил қилинишини таъминлаш;

хотин-қизларнинг таълим олишларига кўмаклашиш;

хотин-қизларни турмушга тайёрлаш, уларда фарзанд тарбиясига оид кўникмаларни шакллантириш;

хотин-қизларни турли тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш;

хотин-қизлар, шу жумладан, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни касб-хунарга ўргатиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб этишга ёрдам бериш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлашга кўмаклашиш;

хотин-қизлар ўз ҳукуқларининг таъминланиши бўйича мурожаат қилишлари учун янада қулайликлар яратиш;

оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, ажralишларнинг олдини олиш;

хотин-қизлар бўйича юритилаётган статистик ҳисоботларнинг хаққонийлигини таъминлаш ягона тизимини яратиш;

Республика ва худудий хотин-қизлар жамоатчилик кенгашларининг фаолиятини кенг оммага етказиш.

3. Куйидагиларни назарда тутувчи “Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформаси доирасида давлат органлари ва ташкилотларининг ўзаро электрон ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Миллий платформани такомиллаштириш бўйича буюртмачи ва унинг юритилиши, узлуксиз фаолият кўрсатиши учун масъул ҳисобланади;

давлат органлари ва ташкилотлари Миллий платформадаги идоралараро электрон ўзаро ахборот алмашинуви доирасидаги маълумотлар рўйхатига мувофиқ сўраладиган маълумотлар ва ахборотларни киритиб боради;

Миллий платформани техник қўллаб-қувватлаш, шунингдек, унинг функционал имкониятларини мунтазам такомиллаштириш билан боғлиқ барча харажатлар Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси, халқаро молия институтлари ва ташкилотлари грантлари, ташқи беғараз кўмак маблағлари (грантлар, техник кўмаклар ва бошқалар), қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Миллий платформадаги идоралараро электрон ўзаро ахборот алмашинуви ташкил этиш билан боғлиқ тадбирлар тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

Миллий платформа ҳамда мутасадди вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси ўртасидаги ўзаро электрон ҳамкорлик Электрон хукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали амалга оширилади.

4. Миллий платформанинг узлуксиз ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида қуидагилар:

а) Миллий платформанинг самарали фаолият кўрсатишига масъул вазирлик ва идоралар бир ой муддатда:

Миллий платформанинг вазифалари тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши, шу жумладан, давлат органлари ва ташкилотларининг ўзаро электрон ҳамкорлигини тартибга солишини назарда тутган ҳолда, технологик йўриқномаларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин. Миллий платформа билан ишлаш учун масъул бўлган ходимларни бириктирун;

Миллий платформани такомиллаштириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига тақдим этсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

Миллий платформани Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Бўш (вакант) иш ўринлари миллий базаси (ish.mehnat.uz) веб-сайти билан интеграция қилиш;

хотин-қизларни касб-хунарга ўргатадиган онлайн тўгаракларни ташкил этиш, ўқув қўлланмалари ва видеоматериалларни, “Ишга марҳамат” мономарказлари ва ўқув марказлари манзиллари, улардаги ўқув курслар ва уларнинг муддатлари тўғрисидаги маълумотларни юклаб бориш чораларини кўрсинг;

в) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Соғлиқни саклаш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги хузуридаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази:

Миллий платформа орқали ҳуқуқий, тиббий, психологик маслаҳат олиш ҳамда зўравонлик ва тазийқдан ҳимояланиш мақсадида ёрдам сўраб қилинган онлайн мурожаатларни қабул қилиб, зудлик билан маслаҳатлар бериб бориш;

ҳомиладорлик ва туғиш таътилларига чиқиш, ижтимоий нафақалар олиш, пенсияга чиқиш ва бошқа долзарб масалалар юзасидан норматив-хуқуқий хужжатларда белгиланган тартибларни ёритиб бориш чораларини кўрсинг;

г) Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақапоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Миллий платформа орқали “Аёллар дафтари”га киритиш ва чиқариш масалари бўйича онлайн мурожаатларни қабул қилиб, зудлик билан зарур маслаҳатларни бериб бориш ҳамда муаммоларни ҳал этиш чораларини кўрсинг;

д) Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази оиласий қадриятларни тарғиб қилувчи, фарзанд тарбиясига оид қўлланмаларни, видеолавҳаларни, шунингдек,

маданий тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни ҳамда бадиий адабиётларни Миллий платформага юклаш ва ҳар ойда янгилаб бориш чораларини кўрсин.

е) Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт соҳасида хотин-қизларнинг кенг қатламларини спорт билан шуғулланишга ва спорт турмуш-тарзини юритишга жалб этишга, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом этиб тарбиялашга оид видеоматериаллар ва қўлланмаларни Миллий платформага доимий юклаб бориш чораларини кўрсин;

ж) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги хотин-қизларнинг Миллий платформадан бепул фойдаланишини таъминлаш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1146 қисқа рақамли “ишонч телефони”га тазийқ ва зўравонликдан жабр кўрган, ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизлар билан мулоқот қилиш ва шошилинч руҳий, психотерапевтик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, маслаҳат бериш ва ахборот тақдим этиш масалалари бўйича келиб тушган мурожаатларга 24 соат ичидаги тезкор муносабат билдириш амалиётини йўлга қўйсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги:

бир ой муддатда лойиҳа қиймати ва тегишли ишларни молиялаштириш манбаларини акс эттирган ҳолда, мутасадди вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси билан интеграциялашган Миллий платформани такомиллаштириш, кейинчалик техник қўллаб-қувватлаш бўйича техник хужжатларнинг ишлаб чиқилишини ҳамда ваколатли органлардан экспертизадан ўтказилишини таъминласин;

уч ой муддатда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Миллий платформани тўлиқ ишга тушириш ишларини якунласин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг ёритилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Р.Т. Маматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 9 августдаги 507-сон қарорига
илова

**“Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформаси доирасида
давлат органлари ва ташкилотларининг ўзаро электрон ҳамкорлиги
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформаси доирасида давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг (кейинги ўринларда – давлат органлари ва ташкилотлари) ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари билан Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ахборот тизимлари ўртасида идоралараро ахборот алмашинувини йўлга қўйиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қўйидаги тушунчалар кўлланилади:

“Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформаси (кейинги ўринларда – Миллий платформа) – давлат органлари ва ташкилотларининг хотин-қизларга оид маълумотлар, ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва бошқа ахборот манбаларидаги статистик маълумотларини ўзида жамловчи, таҳлил қилувчи ва қайта ишловчи, маълумот берувчи ягона ахборот тизими;

“Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформасидан фойдаланувчилар – давлат органлари ва ташкилотларининг идоралараро электрон сўровларни юбориш ва ушбу сўровлар асосида тегишли маълумотларни тақдим этишга масъул бўлган мансабдор шахслари, очик контентдан фойдаланувчилар;

ахборот ресурси – ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки ва маълумотлар базаси;

ахборот тизими – ахборотларни тўплаш, сақлаш, қидириш, ишлаш ва улардан фойдаланиш имконини берадиган ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг ташкилий жиҳатдан тартибга солинган йиғиндиси;

идоралараро электрон сўров – давлат органлари ва ташкилотларининг маълумот бор бўлган бошқа давлат органлари ва ташкилотларга электрон шаклида юборилган маълумотни тақдим этиш тўғрисидаги талаби;

технологик йўриқнома – Миллий платформа доирасида давлат органлари ва ташкилотларидан идоралараро электрон сўровлар орқали маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш бўйича ўзаро электрон ҳамкорлик тартиби, маълумотларга қўйиладиган талаблар, шакл ва муддатларини ифода

этувчи, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда тасдиқланадиган идоравий ҳужжат.

3. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Миллий платформани ишлаб чиқиш ва жорий этиш лойиҳаси буюртмачиси ҳисобланади.

4. Куйидагилар Миллий платформанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилган ҳолда, тезкор таҳлилий маълумотлардан самарали фойдаланиш ва бу орқали давлат органларининг хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга оид фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

вазирлик ва идоралардан хотин-қизлар билан боғлиқ маълумотлар тезкор йиғилиши ва реал вақт режимида таҳлил қилинишини таъминлаш;

хотин-қизларнинг таълим олишларига кўмаклашиш;

хотин-қизларни турмушга тайёрлаш, уларда фарзанд тарбиясига оид қўнималарини шакллантириш;

хотин-қизларни турли тазиик ва зўравонликдан химоя қилиш;

хотин-қизлар, шу жумладан, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни касб-хунарга ўргатиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб этишга ёрдам бериш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлашга кўмаклашиш;

хотин-қизларнинг ўз хукуқларини таъминланиши бўйича мурожаат қилишлари учун янада қулайликлар яратиш;

оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, ажралишларнинг олдини олиш;

хотин-қизлар бўйича юритилаётган статистик ҳисботларнинг хаққонийлигини таъминлаш ва ягона тизимини яратиш;

Республика ва ҳудудий хотин-қизлар жамоатчилик кенгашларининг фаолиятини кенг оммага етказиш.

2-боб. Миллий платформадан фойдаланиш

5. Миллий платформага маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳар бир давлат органи ва ташкилотининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларидан келиб чиқиб, уларни Миллий платформага интеграция қилиш бўйича ишлаб чиқиладиган технологик йўриқномалар билан белгиланади.

6. Технологик йўриқномалар Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган ҳолда,

Миллий платформага интеграция қилинадиган ахборот тизими ёки ахборот ресурси эгаси бўлган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тасдиқланади.

7. Миллий платформа учун керакли маълумотнома ва классификаторлар “Электрон хукуматнинг маълумотномалар ва классификаторлар регистри” ахборот тизимида юритилади. Бунда давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўзларининг ахборот тизимларида ва ахборот ресурсларида “Электрон хукуматнинг маълумотнома ва классификаторлар регистри” ахборот тизимида жойлаштирилган маълумотнома ва классификаторларидан фойдаланишлари шарт.

8. Миллий платформа фойдаланувчиларининг вазифалари куйидагилардан иборат:

а) Махалла ва оилани қўллаб-кувватлаш вазирлиги:

Миллий платформага эгалик қиласи, унинг узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлайди;

Миллий платформада иштирок этувчи давлат органлари ва ташкилотлари жамланадиган ҳамда таҳлил этиладиган маълумотлар рўйхатини шакллантиради ва уларни тақдим этиш даврийлигини белгилайди;

б) давлат органлари ва ташкилотлари:

Миллий платформага жамланиши лозим бўлган маълумотларни белгиланган рўйхатга ва муддатларга мувофиқ электрон ҳамкорлик орқали тақдим этади ёхуд тизимга доимий равишда киритишни таъминлайди;

тақдим этилаётган маълумотларнинг ишончлилиги, ҳаққонийлиги ва долзарблигини таъминлайди.

3-боб. Миллий платформа орқали маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш

9. Миллий платформа орқали маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

10. Давлат органлари ва ташкилотлари ўзларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларида мавжуд бўлган маълумотларнинг хатловдан ўтказилишини таъминлайди.

11. Миллий платформада жамланиши лозим бўлган маълумотларнинг давлат органлари ва ташкилотлари Махалла ва оилани қўллаб-кувватлаш вазирлиги сўровига асосан тақдим этилишини таъминлайди.

12. Миллий платформа билан идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш талабларини ишлаб чиқиши орқали давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан электрон ҳамкорликни босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлайди.

13. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда тасдиқланган маълумотлар тўплами асосида маълумотларни Миллий платформа орқали йигади ва таҳлил қиласи.

14. Миллий платформа доирасида идоралараро электрон сўровларни юбориш, қайта ишлиш ва қабул қилишни автоматлаштириш учун давлат органлари ва ташкилотларнинг тегишли маълумот ва ахборотлар мавжуд бўлган ахборот тизимлари ва ресурслари “Электрон ҳукумат” тизимининг ахборот тизимлари комплекслари ва марказлашган маълумотлар базалари билан интеграция қилинади.

15. Давлат органлари ва ташкилотлари мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ маълумотлар ва ахборотларни Миллий платформадаги идоралараро электрон ўзаро ахборот алмашинувини таъминлайди.

16. Идоралараро электрон ҳамкорлик тизими орқали давлат сири ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ўз ичига олган идоралараро электрон сўровлар ҳамда тегишли хужжатлар ва маълумотларни тақдим этишга йўл қўйилмайди.

4-боб. Идоралараро электрон ҳамкорликни амалга оширишда тегишли маълумотларни тақдим этувчи давлат органлари ва ташкилотларининг ҳукуқ ва мажбуриятлари

17. Идоралараро электрон ҳамкорликни амалга оширишда давлат органлари ва ташкилотлари мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ рўйхатда белгиланган тегишли маълумотни Миллий платформа доирасида бошқа ахборот тизимига тақдим этиш учун тегишли давлат органлари ва ташкилотлардан маълумотларни сўраш ва қабул қилишга ҳақли.

Давлат органлари ва ташкилотлари қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

18. Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот таъминотида Миллий платформадан фойдаланган ҳолда, ўзаро электрон ҳамкорликнинг технологик йўриқномага мувофиқлигини таъминлаш учун куйидагиларни амалга оширади:

ўз ахборот тизимлари ва ресурсларининг Миллий платформага интеграция қилинишини таъминлаш бўйича веб-хизматларни ишлаб чиқади ҳамда уларнинг узлуксиз ишлишини таъминлайди;

Миллий платформага уланган ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари дастурий ва техник воситаларининг узлуксиз ишлишини таъминлайди;

Миллий платформадан фойдаланган ҳолда маълумотларни қабул қиласи, таҳлил қиласи ва тақдим этади;

Миллий платформадан фойдаланган ҳолда тақдим этилаётган маълумотларнинг долзарблигини ва тўғрилигини таъминлайди;

технологик йўриқнома талабларига мувофиқ маълумотларни белгиланган форматларда ва шаклда тақдим этади.

19. Идораларо электрон ҳамкорликни амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлари сўралган маълумотларни тўлиқ ҳажмда тақдим этишлари, шунингдек, уларнинг ишончлилигини таъминлаши шарт.

20. Миллий платформадан фойдаланувчилар идораларо электрон ҳамкорлик доирасида жўнатиладиган ва қабул қилинадиган ҳужжат ва маълумотларнинг белгиланган тартибда саклаши ва ҳимоясини таъминлаши шарт.

21. Давлат органлари ходимларига идораларо электрон ҳамкорлик орқали маълум бўлган маълумотларни, жисмоний шахснинг шахсий ҳаёти, юридик шахснинг фаолиятига доир маълумотларни, уларнинг ёзма розилигисиз, шунингдек, қонун ҳимоясидаги бошқа сир ва маълумотларни ошкор этишга йўл кўймаслиги керак.

5-боб. Якунловчи қоидалар

22. Миллий платформадан фойдаланувчилар давлат органларининг идораларо электрон сўровлари юзасидан сўралган маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш учун жавобгардир.

23. Идораларо электрон ҳамкорликни амалга оширувчи давлат органлари Миллий платформа орқали тақдим этиладиган маълумотларнинг ҳақиқийлиги учун жавобгардир.

24. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбор шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

“Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформаси доирасида давлат органлари ва ташкилотларининг ўзаро электрон ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомга 1-илова

“Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформаси орқали давлат органлари ва ташкилотлари маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Давлат органлари ва ташкилотлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги	1. Ўзларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларида мавжуд бўлган маълумотларни хатловдан ўтказиш. 2. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги сўровига асосан “Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформасида жамланиши лозим бўлган маълумотларни тақдим этиш.	икки ҳафта муддатда 2-иловада белгиланган муддатларда
2-босқич	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, давлат органлари ва ташкилотлари	“Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформасида юритиладиган маълумотлар тўпламини шакллантириш ва тасдиқлаш.	икки ой муддатда
3-босқич	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Давлат органлари ва ташкилотлари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	1. “Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформаси билан идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш талабларини ишлаб чиқиши. 2. “Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформасини вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан электрон ҳамкорлигини таъминлаш.	бир ой муддатда уч ой давомида
4-босқич	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг маълумотларни таҳлил қилиш борасидаги ахборотларини “Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформасида шакллантириш ва реал вақт режимида олиш чораларини кўриш.		доимий

“Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформаси доирасида давлат органлари ва ташкилотларининг ўзаро электрон ҳамкорлиги тартиби тўғрисида низомга 2-илова

“Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформасидаги идоралараро электрон ўзаро ахборот алмашинуви доирасидаги маълумотлар
РЎЙХАТИ

T/р	Ташкилот номи	Тақдим этиладиган маълумотлар	Амалга ошириш муддати
1.	Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	<ol style="list-style-type: none">Бўш (вакант) иш ўринлари миллий базаси (ish.mehnat.uz) веб-сайти билан интеграция қилиш.Хотин-қизларни касб-хунарга ўргатадиган онлайн тўгаракларни ташкил этиш.Касбга ўргатадиган ўқув кўлланмалари ва видеоматериалларни юклаб бориш.“Ишга марҳамат” мономарказлари ва ўқув марказлари манзиллари, улардаги ўқув курслари ва уларнинг муддатлари тўғрисидаги маълумотларни юклаб бориш.Худудлар кесимида ишсиз аёллар тўғрисидаги статистик маълумотларни юклаб бориш.	<p>Бир ой муддатда</p> <p>Бир ой муддатда</p> <p>Ҳар ўн беш кунда</p> <p>Ҳар ойда</p> <p>Ҳар чоракда</p>
2.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, АТ Халқ банки, Махалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги	<ol style="list-style-type: none">Тадбиркор аёлларнинг мотивацион мақола ва видеодарсларини юклаб бориш.Тадбиркор хотин-қизлар статистикасини юритиш мақсадида уларнинг рўйхатини шакллантириб, юклаб бориш.Хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун тайёр бизнес намуналарни (электрон китоблар, аудио ва видеоқўлланмалар, бизнес фоялари) юклаб бориш.	<p>Ҳар ойда</p> <p>Ҳар чоракда</p> <p>Ҳар ойда</p>
3.	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	<ol style="list-style-type: none">Платформа орқали хукуқий маслаҳат сўраб қилинган онлайн мурожаатларни қабул қилиб, зарур маслаҳатларни берib бориш.Хотин-қизлар хукуқлари, жумладан, ҳомиладорлик ва туғиш таътилларига чиқиш, ижтимоий нафақалар олиш, пенсияга чиқиш, тадбиркорликни бошлашда хотин-қизларга берилган имтиёзлар ва бошқа долзарб масалалар юзасидан норматив-хукуқий хужжатларда белгиланган қоидаларни ёритиб бориш.	<p>Доимий</p> <p>Ҳар ойда</p>

4.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	<p>1. Платформа орқали тиббий маслаҳат сўраб қилинган онлайн мурожаатларни қабул қилиб, зарур маслаҳатларни бериб бориш.</p> <p>2. Эрта тугруқлар ҳақидаги статистик маълумотларни юклаб бориш.</p> <p>3. Тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи маълумотлар, видеоматериалларни юклаб бориш.</p>	<p>Доимий</p> <p>Ҳар ойда</p> <p>Ҳар ойда</p>
5.	Маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш вазирлиги хузуридаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази	<p>1. Платформа орқали психолигик маслаҳат ҳамда зўравонлик ва тазиикдан ҳимояланиш мақсадида ёрдам сўраб қилинган онлайн мурожаатларни қабул қилиб, зарур маслаҳатларни бериб бориш.</p> <p>2. Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларига мурожаат қилган хотин-қизлар ҳақидаги статистик маълумотларни юклаб бориш.</p> <p>3. Хотин-қизларни тазиик ва зўравонликка учрашининг олдини олиш, тазиик ва зўравонликка учраган хотин-қизларга хуқуқий, психолигик, тиббий ёрдам кўрсатилиши бўйича маслаҳатлар, видеороликлар ва кўрсатмалар юклаб бориш.</p>	<p>Доимий</p> <p>Ҳар ойда</p> <p>Ҳар ўн беш кунда</p>
6.	Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш вазирлиги	<p>1. Платформа орқали “Аёллар дафтари”га киритиш ва чиқариш масалалари бўйича қилинган онлайн мурожаатларни қабул қилиб, зарур маслаҳатларни бериб бориш ҳамда муаммоларни ҳал этиш.</p> <p>2. Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида эҳтиёжманд оиласалардаги хотин-қизларнинг танловда иштирок этиши учун тавсиянома олишга платформа орқали онлайн мурожаатлар қабул қилиш.</p>	<p>Доимий</p> <p>Ҳар йили 30 майдан 8 июнга қадар</p>
		<p>3. Хотин-қизларнинг манбаатларига қаратилган лойиҳалар ҳақидаги маълумотлар, норматив-хуқуқий ҳужжатларда хотин-қизларга берилган имтиёзлар ҳақидаги маълумотларни юклаб бориш.</p> <p>4. Зулфия номидаги Давлат мукофотлари совриндорлари, танловда иштирок этиш тўғрисидаги маълумотларни юклаб бориш.</p>	<p>Ҳар ҳафтада</p> <p>Доимий</p>

		<p>5. “Мўътабар аёл” кўкрак нишони совриндорлари сони, кўкрак нишони олиш тартиби тўғрисидаги маълумотларни юклаб бориш.</p> <p>6. “Маҳалла ифтихори” ва “Мехнат фахрийси” кўкрак нишонини олган хотин-қизлар сони тўғрисидаги маълумотларни юклаб бориш.</p> <p>7. Мамлакатда хотин-қизлар хукуқларини ҳимоя қилиш ва оила институтини мустаҳкамлаш йўналишида олиб борилаётган ислоҳотлар, бу борада қабул қилинаётган норматив-хукуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни юклаб бериш.</p> <p>8. Раҳбарликка захирага олинган хотин-қизлар тўғрисида маълумотларни юклаб бориш.</p>	Доимий
		<p>1. Платформа орқали хотин-қизларни имтиёзли уй-жой билан таъминлаш ва бошқа таалуқли масалаларда қилинган онлайн мурожаатларига зарур маслаҳатларни берib бориш ҳамда муаммоларни ҳал этиш.</p> <p>2. Давлат мукофоти совриндорлари (Зулфия номидаги Давлат мукофотлари совриндорларидан ташқари) бўлган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотларни юклаб бориш.</p>	Хар ўн беш кунда
7.	Қорақапогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	<p>1. Платформа орқали хотин-қизларни имтиёзли уй-жой билан таъминлаш ва бошқа таалуқли масалаларда қилинган онлайн мурожаатларига зарур маслаҳатларни берib бориш ҳамда муаммоларни ҳал этиш.</p> <p>2. Давлат мукофоти совриндорлари (Зулфия номидаги Давлат мукофотлари совриндорларидан ташқари) бўлган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотларни юклаб бориш.</p>	Хар чорақда
8.	Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги	Платформага оилавий қадрияtlар, эр-хотинлик муносабатлари ва фарзанд тарбиясига оид видеолавҳаларни, маданий тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни ҳамда бадиий адабиётларни юклаб бориш.	Доимий
9.	Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги	Платформага жисмоний тарбия ва спортга хотин-қизларнинг кенг қатламларини жалб қилиш, соғлом турмуш-тарзини, ёш авлодни жисмонан соғ бўлишини, оилавий спортни тарғиб қилувчи видеоматериаллар ва қўлланмаларни юклаб бориш.	Хар ойда
10.	Олий аттестация комиссияси	<p>1. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси бўлган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотларни юклаб бориш</p> <p>2. Фан доктори (DSc) илмий даражаси бўлган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотларни юклаб бориш.</p>	Хар чорақда
11.	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги	1. Умумий ўрга таълим муассасаларидағи ўкувчи қизлар сони тўғрисидаги маълумотларни юклаб бориш.	Хар олти ойда

		2. Иқтидорли (республика ва халқаро фан олимпиадалари, танловларда фахрли ўрин олган ва бошқа ютукларга эришган) қизлар тўғрисида маълумотларни юклаб бориш.	Ҳар олти ойда
12.	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	1. Олий таълим муассасаларидаги талаба хотин-қизлар сони ҳақидаги маълумотларни юклаб бориш.	Ҳар олти ойда
		2. Ўрта махсус, профессионал муассасалардаги ўқувчи хотин-қизлар сони ҳақидаги маълумотларни юклаб бориш.	Ҳар олти ойда
		3. Иқтидорли (республика ва халқаро фан олимпиадалари, танловларда фахрли ўрин олган ва бошқа ютукларга эришган) қизлар тўғрисида маълумотларни юклаб бориш.	Ҳар олти ойда
13.	Давлат статистика қўмитаси	1. Умумий аҳоли сони, шундан хотин-қизлар сони тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан: 0-2; 3-6; 7-17; 18-30; 31 ёш ва ундан юқори; 16-54 ёшдаги хотин-қизлар; 55 ва ундан юқори ёшдаги хотин-қизлар. 2. Оиласалар сони.	Ҳар йилнинг июнь ойида
		3. “Gender.stat.uz” электрон платформаси билан интеграция қилиш.	Доимий
14.	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги	1. Қайд этилган эрта никоҳлар сони (ҳоким қарорига асосан никоҳ ёши қисқартирилган) тўғрисидаги статистик маълумотларни юклаб бориш.	Ҳар чорақда
		2. Никоҳдан ажралганлик қайд этилган оиласалардаги вояга етмаган болалар сони тўғрисидаги статистик маълумотларни юклаб бориш.	Ҳар чорақда
		3. 30 ёшгача бўлганлар орасида қайд этилган никоҳдан ажралишлар сони тўғрисидаги статистик маълумотларни юклаб бориш.	Ҳар чорақда
		4. 30 ёшгача бўлганлар орасида қайд этилган никоҳлар сони тўғрисидаги маълумотларни юклаб бориш.	Ҳар чорақда
		5. Оиласавий ажралишлар, тузилган никоҳлар ва туғилганлик ҳақидаги статистик маълумотларни юклаб бориш (қайд этилган тугилиш, никоҳ ва ажралишлар қиёсий).	Ҳар ойда

15.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	“Ижтимоий химоя ягона реестри” ахборот тизими билан интеграция қилиш.	Икки ой муддатда
		1. Аёллар томонидан содир этилган жиноятлар (шунингдек жиноятда иштирок этган хотин-қизлар) ҳақидаги статистик маълумотларни юклаб бориш.	Хар ойда
		2. Хотин-қизларга нисбатан содир этилган жиноятлар ҳақидаги статистик маълумотларни юклаб бориш.	Хар ойда
		3. ЖИИЭМдан қайтган хотин-қизлар ҳақидаги статистик маълумотларни юклаб бориш.	Хар ойда
16.	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги	4. Пробация ҳисобида турғанлар (аёллар) ҳақидаги статистик маълумотларни юклаб бориш.	Хар ойда
		5. Химоя ордери берилган хотин-қизлар ҳақидаги маълумотларни юклаб бориш.	Хар ойда
		6. Узок муддатга хорижий давлатларга кетгандар ҳамда келган хотин-қизлар ҳақидаги статистик маълумотларни юклаб бориш.	Хар ойда
		7. Нотинч оиласалар/жиноятчиликка мойиллиги борлар ҳақидаги статистик маълумотларни юклаб бориш.	Хар ойда
17.	АТ Халқ банки (келишиув асосида)	1. Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун тақдим этилаётган кредитлар ва субсидиялар тўғрисидаги статистик маълумотларни юклаб бориш.	Хар ойда
		2. Тадбиркорлик лойиҳалари, хотин-қизларга тадбиркорликни бошлиш бўйича берилаётган имтиёзлар, “Аёллар дафтари”даги хотин-қизларга кўрсатилаётган ёрдамлар ҳақидаги маълумотларни юклаб бериш.	Хар ойда

Изоҳ. Миллий платформани таомиллаштириши бўйича қўшимча маълумотлар талааб қилинганда, тегишили вазирлик ва идоралар томонидан келишиувга асосан қўшимча маълумотлар бўйича интеграциялар амалга оширилиши мумкин.

